

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИЧКИ ЕР ТУЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Хўжакелдиев К.Н. (ҚарМIIИ)

Ер ресурсларидан фойдаланиш учун ер тузилиши - фермер хўжалигида ички ер тузишни ташкил этишнинг асосидир. У ер ресурсларидан самарали фойдаланишга, тупроқ унумдорлигини оширишга ва етиштирилган хом-ашё маҳсулоти бирлигига меҳнат ва моддий харажатларни камроқ сарфланган ҳолда соф қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун шароит яратишга қаратилган.

Фермер хўжаликларида ички хўжалик ер тузилиши кўрғончаларни, ишлаб чиқариш ва турар жой биноларини жойлаштириш, алмашлаб экишни ташкил этишга, кўп йиллик дарахтзорлар, пичанзорлар ва яйловлар билан банд ер майдонларини белгилашга, суғориш иншоотларини, йўл қурилишини лойиқалаштиришга, тупроқ эрозиясининг олдини олиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган.

Юқоридагилар билан бир қаторда ер табиий муҳитнинг, биосферанинг муҳит компенти ҳамдир, у сув, ўсимлик дунёси, қайвонот олами каби табиий ресурслар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуддир. Бу ҳолат ерни нафақат катта иқтисодий, балки шу билан бир қаторда ижтимоий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради, негаки унинг ҳолати, шунингдек бошқа табиий ресурсларнинг ҳолати тўғридан - тўғри инсонлар саломатлигига, уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам ер ресурсларидан фойдаланиш интенсивлигини ошириш вазифаси доимий равишда табиатни муҳофаза қилиш, шу жумладан ерларни муҳофаза қилиш тупроқ унумдорлигини ҳамда инсон учун фойдали бўлган унинг хусусиятлари ва сифатларини тиклаш ва яхшилаш тадбирлари билан қўшилиб кетади. Буларнинг барчаси ерга эктиёткорлик билан муносабатда бўлишни, фақатгина ҳозирги кун нуқтаи назари билангина бўлмасдан келгуси даврда ҳам ундан тўғри фойдаланишни талаб қилади.

Хўжалик ичида ерларни тақсимлаш объекти зарар кўриб ишлаётган ва рентабеллик даражаси паст қишлоқ хўжалик

корхоналари ҳисобланади. Фермер хўжаликларига ерларни тақсимлаш алоҳида суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар бўйича бажарилмоқда.

Ерлар фермер хўжаликлари ўртасида тақсимлаб берилди. Бу хўжаликларга ер бериш услубияти ўзига хос хусусиятларга эга, чунки улар ишга яроқлилар сони, моддий ва техник имкониятлари, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари билан бир-биридан фарқ қиладилар. Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришда қуйидаги ички ер тузиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари ўрнида ташкил қилинган фермер хўжаликларининг ер тузиш лойиқасини тузишда тайёргарлик ишлари қуйидагича:

- мавжуд бўлган картографик, ишлаб чиқариш ва статистик материаллар, услубий кўрсатма ва меъёрий қужжатлар ҳамда ташкил қилинган фермер хўжаликларининг сони, ўлчами тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ўрганиб чиқиш; ерларни ялпи йўқлама қилиш, агрохўжалик жикатларини ўрганиб чиқиш, тархи-харита материалларини коррективировка қилиш; қишлоқ хўжалик ширкатининг контурлар бўйича ҳисоблаш қайдномасини ва ер майдонларининг экспликациясини коррективировка қилиш.

Фермер хўжаликларида ички ер тузиш лойиқасини тузишда катта ўлчамдаги фермер хўжаликларида иқота дарахтлари полосалари, кучли эрозияда эса - гидротехника иншоотлари жойлаштирилади.

Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоқлари, зовурлар, дренажлар, (дала ариқларидан ташқариси), эгаллаб турган ер майдонлари сувдан фойдаланувчилар ушмасига бириктириб берилади.

Хўжаликлараро йўллар, умумий фойдаланиш тоифасидаги йўллар остидаги ер майдонлари, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ер тоифаларига киради ва улар туман ҳудудидаги йўл қурилиши бошқармаси балансига берилади.

Ички хўжаликларга тегишли йўл тармоқлари эгаллаган ер майдонлари фермер хўжаликларининг ер балансига таълуқли бўлади. Дала йўллари, эгаллаган ер майдонлари фермер хўжаликларининг ер участкаси майдонига киритилади, эқтиёж бўлганда дала йўлларига сервитутлар белгиланади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи ўзига берилган ер участкасида белгиланган фойдаланиш мақсадига кўра бир йилдан кечикмаган ҳолда фойдаланишга киришиши шарт. Фермер хўжаликларининг бошлиқлари қишлоқ хўжалик ерларидан қуқуқий фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланишга мажбурдирлар.

Фермер хўжалигида ички ер тузишни ташкил этишда ички ер тузиш лойиқасининг таркибий қисмлари қуйидагилардан ташкил топади:

хўжалик марказини ва ишлаб чиқариш ер участкасини жойлаштириш;

фермер қовлисини қуришнинг бош лойиқасини ишлаш;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратизим объектларини жойлаштириш;

- ер турларини ва алмашлаб экишларни ташкил этиш;

- ҳайдалма ерлар яйловлар, пичанзорлар ва дарахтзорлар ҳудудларини ташкил этишдан иборат бўлмоғи керак.